

ЎЗБЕК ТИЛИНИ ХОРИЖИЙ ТИЛ СИФАТИДА ЎҚИТИШДА НУТҚ МАДАНИЯТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ

Қараева Беғам Холмановна,

п.ф.д., (DSc),

Москва давлат лингвистика университети

e mail: karaeva_61@mail.ru

***Аннотация.** Мақолада ўзбек тилининг хорижий чет тили ўқитилишида нутқ маданиятининг замонавий концепциясининг асосий жиҳатлари ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, нутқ маданияти аспектлари ҳақида адабиётлар таҳлили берилади.*

***Калит сўзлар:** ўзбек тили, чет тили, нутқ маданияти, адабий тил, тил меъёрлари, нутқ маданияти аспектлари, коммуникативлик.*

***Аннотация:** В статье рассматриваются основные аспекты современной концепции обучения культуры речи при преподавании узбекского языка как иностранного. Также, анализируется литература по аспектам культуры речи.*

***Ключевые слова:** узбекский язык, иностранный язык, культура речи, литературный язык, нормы языка, аспекты культуры речи, коммуникация, коммуникативность*

***Annotation:** The article discusses the main aspects of the modern concept of teaching the culture of speech when teaching Uzbek as a foreign language. Also, the literature on aspects of speech culture is analyzed.*

***Key words:** uzbek language, foreign language, speech culture, literary language, language norms, aspects of speech culture, communication.*

Ўзбек тилини ўрганишга бўлган талаб ортиб бораётган бугунги даврда мутахассислар олдида чет элликлар учун замонавий талабларга мос равишда тил ўқитишни йўлга қўйиш вазифаси турибди.

Бугунги кунда нутқ маданияти олий ўқув юртларида нафақат она тили дарсларида, балки чет тили ўқитиш дарсларида ҳам ўқитиладиган фанлардан бирига айланди. Она тили бўлмаган бошқа бир чет тилини ўрганиш орқали ҳам талабалар турли вазиятларда қандай сўзлаш, мулоқот қилиш қобилиятига эга бўладилар. Жумладан, ўзбек тилини ўрганиш жарёнида ҳам ўзбек халқи турмуш тарзидаги кундалик мулоқот жараёнида кўп қўлланадиган тил бирликларидан фойдалана бошлайдилар. Шунга қарамадан, «нутқ маданияти» термини талабалар томонидан чет тилларини ўрганиш борасида тилшуносликкада ва методик адабиётларда бир хил таърифга эга эмас. Кўплаб тадқиқотчиларнинг (Ю. А. Бельчиков, Е. Н. Стрельчук, Ю.А Подберезская) изланишларида нутқ маданияти оғзаки ва ёзма шаклда адабий тил меъёрларини эгаллашни ўргатувчи фан сифатида тушунилади, воситаларини танлаш ва улардан фойдаланиш амалга оширилади, бу воситалар маълум бир вазиятларда

мулоқот одобига риоя қилган ҳолда коммуникация вазифаларини бажариш учун зарур бўлган натижаларга эришишни таъминлайди [6, 9].

Ю. А. Подберезская ҳам бу нуқтаи назарни маъқуллайди. Унинг фикрича, нутқ маданияти бу – сўзларни уларнинг лексик маъносига мос, лексик мувофиқлиги, долзарблиги, таъсирчанлигини англаган ҳолда танлаш зарур, лексик меъёр эса – бу сўзларни қўллаш қоидалари ва сўзларнинг бошқа сўзлар билан мувофиқлиги. Бундай умумий таъриф алоҳида олинган хусусий ҳолатларни назарда тутаяди, яъни, меъёр жиҳатдан сўзларни тўғри қўллаш –бу: 1) сўзларни меъёрдан чиқмаган ҳолатда ўша маъноларида қўллаш; 2) сўзларнинг синонимик муносабатларини ҳисобга олиш, синонимларнинг аралашиб кетишига йўл қўймаслик; 3) сўзларнинг омонимик муносабатларини ҳисобга олиш; 4) сўзларни қўллашда омонимлар ва паронимларни фарқлаш; 5) қўлланишиш доираси чекланган сўзларнинг ишлатилишини аниқ билиш (эскирган сўзлар, четдан кирган сўзлар, касб-хунарга оид сўзлар, диалектизмлар, оддий сўзлар, неологизмлар, жаргонизмлар, арголар); 6) сўзларни ортиқча ишлатишга йўл қўймаслик (тавтология, плеоназм, паразит сўзлар) ва фикрни нотўлиқ ифодаламаслик; 7) фразеологизмларни тўғри қўллаш[5,158-161].

Чет эллик талабаларни нутқ маданиятига ўргатишга доир малака ва кўникмаларни шакллантириш бўйича иш олиб бориш: бунда талабалар маълум бир нутқий вазиятларга кўра ўзбек тили нутқ меъёрларига, нутқ одобига риоя қилган ҳолда ўз нутқларини тузишни ўрганадилар. Масалан, ўзбек нутқ маданиятига хос саломлашиш, ҳол-аҳвол сўрашиш маданиятини олиб қарайлик, бу жуда қисқа вақт ичида амалга ошсада, айнан ўзбек нутқ маданиятида қўлланадиган, суҳбатдошнинг айтилган сўзлар, жумлалар, гапларга ўз вақтида жавоб қайтара олиш, суҳбатни шу маромда давом эттира олиш ҳам ўзбек тилини, ўзбек тили нутқ маданиятини ўрганишдаги ишончли қадам бўлади. Бу нафақат суҳбатдош билан учрашиб туриб айтилганда, балки ёзма нутқ, хатлар, хабарлар ёзишда ҳам ижобий натижалар беради. Бундай ёндашув ўзбек тилини чет тили сифатида ўқитиш методикасида маъқулланган, яъни, бошқалар тажрибасига мурожаат этадиган бўлсак, «агар инсон оғзаки ва ёзма нутқда маданиятлараро мулоқотга кириша олса, у бошқа маданиятга кира бошлайди» [6,3].

Ҳозирги вақтда ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганиш ниҳоятда ўзига хос долзарблик касб этмоқда, бу фанни ўқитиш чет эллик талабаларда коммуникатив билимларни шакллантиришни назарда тутаяди, бу

эса уларнинг келажакда ўзлари танлаган касблари бўйича фаолият юритишларида, ўзбек тилида турли хил соҳаларда ҳамда вазиятларда мулоқот қила олишларида ёрдам беради.

Гуманитар мутахассисликлар бўйича чет эллик талабаларга ўзбек тили ўқитишнинг асосий босқичларига ўтишдан олдин «нутқ маданияти» тушунчаси ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Бакалавр талабаларда ўзбек нутқ маданиятини шакллантириш ўзбек тилини чет тили сифатида ўқитиш методикаси анъаналарига асосланади.

Нутқ маданияти XX асрнинг 20- йилларида рус тилшунослиги негизида шакллана бошлади. Унгача ушбу тушунчалар риторика – нотиклик санъати билан боғлаб ўрганилган. Бунда, айниқса, рус олимларидан М. В. Ломоносов, Г. В. Колшанскийларнинг ҳиссаси катта бўлган.

Г.О. Винокур фикрича, сўзловчининг маданияти унинг лисоний диди билан белгиланади. Тил воситаларининг вазиятга қараб турлича қўллаш муқаррар равишда лисоний меъёр тушунчаси билан боғланган. Умуман, меъёр маданият ва тил сингари тарихий бўлиб, ижтимоий муносабатлар ўзгариши билан у ҳам ўзгаради [2, 10-14].

Нутқ маданиятининг ҳар бир тури ўзига хос хусусиятларга эга, улар нутқ эгаларининг сўзлашув лаёқати, маҳорати билан белгиланади. Жумладан, элитар нутқ маданияти – саводли нутқ намунаси. Бундай нутқ эгалари мулоқот қоидаларини бузмасликлари керак: қўпол, ман этилган сўз ва иборалардан ўзларини олиб қочиши, жойи келганда эса, эвфемизмлардан ва сизлашлардан фойдаланиши зарур [3, 168-179].

Биз олиб бораётган тадқиқотнинг диққат марказида – россиялик талабалар, шунинг учун ҳам ўзбек тадқиқотчиларинг ишларидаги «нутқ маданияти» тушунчасига ҳам мурожаат этамиз.

Ўзбек нутқи маданияти фанига асос солган тилшунос олим Э. Бегматов нутқ маданиятини инсон маданиятининг бир қисми сифатида эътироф этади: “Киши ўз нутқи орқали фикрлаш қобилиятини, дунёқарашини, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бўлган ўз муносабатини намоён қилади” [1, 9].

Ҳозирда нутқ маданиятининг замонавий концепцияси ҳақида кўп фикрлар билдирилиб келмоқда. “Культура русской речи” дарслигида нутқ маданиятининг уч аспекти - меъёрий, этик, коммуникативлик ҳақида тўхталиб ўтилган [4, 15].

Албатта, бу аспектларни асосий деб олиш билан бир қаторда, бугунги кунда нутқнинг коммуникатив аспектига эътиборнинг юқори эканлигини

унутмаслигимиз зарур. Меъёрийлик эса тил материални ўзлаштириш, адабий тил меъёрларига амал қилиш нуқтаи назаридан ҳар бир даврда ҳам асосий бўлиб қолаверади. Нутқ маданиятини барча аспектларига амал қилиш эса ўзбек тили нутқ маданиятига ўргатишда ва бу борада мукамалликка эришишда асосий талаб ва мақсад бўлиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бегматов Э., Жиянова Н. Нутқ маданияти асослари. –Т., 2006, 30- б.
2. Винокур Г. О. Из бесед о культуре речи // Русская речь. -1967. - С. 10-14.
3. Кочеткова Т. В. Эвфемизмы в речи носителей элитарной речевой культуры // Вопросы стилистики: Человек и текст. — Саратов: Изд-во Сарат. ун-та, - Вып. 27. 1998. - С. 168-179.]
4. Культура русской речи. Учебник для вузов. –Москва. : Норма-Инфра. 2000. - С.549.
5. Подберезская Ю. А. Лексические нормы в методике преподавания культуры русской речи студентам-иностранцам. Lingua mobilis № 4 (37), 2012. -С. 158. -С.158-161.
6. Стрельчук Е. Н. Лингвометодические основы обучения иностранных учащихся культуре русской письменной речи на этапе довузовской подготовки: автореф. дис. ... канд. пед. наук. Москва, 2008. -С. 23.